

Коллеж ўқувчиларининг узоғи яқин бўлди

Бухорода вилоятнинг икки йирик шаҳрини боғловчи «Когон бошбекати – Сил касалликлари шифохонаси» автобус йўналиши очилди

Бухоро вилоятида аҳолининг автотранспорт хизматига эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янги ШАЙ-438-сонли «Когон бошбекати – Сил касалликлари шифохонаси» йўналиши очилиб, Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Тендер комиссиясининг 2017 йил 5 апрелдаги баённомасига асосан «Амир транс сервис» МЧЖга бириктириб берилди.

Йўналиш вилоятнинг икки йирик шаҳри – Бухоро ва Когонни боғлайди. Йўлда бир неча касб-ҳунар коллежлари жойлашган, қолаверса ишга ва бозор-ўчарга қатнайдиغانлар ҳам кўп. Шу маънода янги йўналиш очилиши аҳоли учун айни муддао бўлди. Айни пайтда «Амир транс сервис» МЧЖ ўз балансидаги 8 та «Isuzu» автобусларида хизмат кўрсатишни бошлаб юборган.

Янги йўналиш очилиши натижасида корхонада 10 та иш ўрни яратилди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташини тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2724-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, яқин йилларда яна қатор йўналишлар очилиши турган гап. Биз бунга тайёр туриш, қолаверса хизмат сифатини ошириш мақсадида автотранспорт паркимизни янги автобуслар харид қилиш ҳисобига кенгайтириш ҳаракатидамыз, – дейди МЧЖ раҳбари А.Бақоев.

Вилоятда ушбу янги йўналиш очилиши билан бир вақтда, «Назира Парвин Сабира» МЧЖ хизмат кўрсатаётган ШАЙ-378-сонли «Когон бошбекати – Марказий бозор» автобус йўналишининг ҳаракати Бухоро шаҳри ичи орқали қайтадан ташкил қилинди. Натижада Юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида, Бухоро педагогика коллежи ўқувчиларининг дарсга 2-3 та транспорт воситасида қатнашига ҳожат қолмади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати